

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-
SIYOSIY
GAZETA

■ 2004-YIL ■ 10-YANVAR ■ SHANBA ■ 4 (27.179) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.



БОЛАЛАР СПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

9 ЯНВАРЬ КУНИ ОҚСАРОЙДА ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ ҚАРИМОВ РАИСЛИГИДА ЎЗБЕКИСТОН БОЛАЛАР СПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМҒАРМАСИ ҲОМИЙЛИК КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАГИ ЙИГИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ

Унда ушбу кенгаш аъзолари, Бош вазир ва унинг ўринбосарлари, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорй Кенгеси раиси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимлари, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Мамлакатимиз раҳбари йиғилишдан қўзғалган мақсад 2003 йил 4 июнь кунини ўтказилган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг йиғилишида қўйилган вазифаларнинг бажарилишига оид масалаларни муҳокама қилиш, 2004 йилга мўлжалланган режаларни кўриб чиқиш, Қашқадарё ва Андижон вилоятларида болалар спортини ривожлантириш, спорт иншоотлари барпо этиш дастурининг бажарилишини таҳлил этишдан иборат эканини таъкидлади.

Ҳомийлик кенгашининг 2003 йил 4 июнда бўлиб ўтган йиғилишида белгиланган вазифаларнинг бажарилиши юзасидан жамғарма раиси А.Мирқосимовнинг ахбороти тингланди.

Жамғарма Ҳомийлик кенгашининг ўтган йилги мажлисида янги болалар спорт иншоотларини барпо этиш дастури, спорт анжуманлари, кийим-кечаклар ва чарм-поабзал маҳсулотларини ўзимизда ишлаб чиқариш, болалар спорт иншоотларининг намунавий лойиҳаларини тайёрлаш, мактабларда жисмоний тарбия дарсларининг самарадорлигини ошириш, аҳоли орасида спорт маданиятини юксалтириш, оммавий спорт тарбиясини ривожлантириш, Ўзбекистон Телерадиокомпаниясининг 4-телеканални спорт каналига айлантириш борасида атрофлича фикрлашиб олинган, ҳокимликлар, тегишли вазирлик, ташкилот ва идоралар раҳбарлари зиммасига аниқ вазифалар юклаган эди.

Утган давр мобайнида соҳада анчагина ишлар амалга оширилди. Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва бошқа мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида спортнинг асосий йўналишида турларини ривожлантиришнинг тиббий ҳамда илмий асослари яратилди. «Жисмоний тарбиянинг тиббий асослари» қўлланмаси тайёрланди.

Умумий таълим мактаблари учун 2003-2004 ўқув йилига мўлжаллаб жисмоний тарбия ва болалар спортга оид ўқув дастурлари, дарсликлар, услубий қўлланмалар ҳамда плакатлар тайёрлаш дастури тузилди. Шу асосда таълим-тарбия ишлари олиб борилмоқда.

Мактаб, лицей, коллеж ва маҳаллаларда болалар спортини ривожлантириш учун зарур спорт анжуманлари ва кийимларига бўлган эътиҳонни ўрганиб чиққан «Ўзбекистонга» давлат акциядорлик компанияси асосий эътиборни ана шу талабни қондиришга қаратмоқда. Соҳани кадрлар билан таъ-

минлаш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилди. Олий таълим муассасаларида болалар спортини ривожлантириш бўлими тайёрлаш, спорт журналистикаси ва психологияси мутахассисликлари бўйича таълим бериш тизимини такомиллаштириш юзасидан бир мунча ишлар қилинди. Ўзбекистон Телерадиокомпаниясининг 4-телеканални спорт каналига айлантирилди ва олти соатлик қўрсатувлар эфирга узатишмоқда.

Янги спорт иншоотларини барпо этиш дастурига мувофиқ тайёрланган намунавий лойиҳалар асосида қўлбаб спорт иншоотлари бунёд этилди. Жамғарма ҳисоб рақамига 12,2 миллиард сўм ва 2,6 миллион АҚШ долларини миқдорига маблаг тушди. Жойларда тадбиркорлар томонидан, ҳомийлик асосида, спорт иншоотлари, стадионлар, спорт майдончалари бунёд этилди. Бу борда, айниқса, Қўқон шаҳри, Сарисой, Қарши, Избоскан тумани тадбиркорлари амалга оширган ишлар таҳсинга лойиқ.

Утган вақт мобайнида жойларда бу йўналишда бир мунча ишлар қилинганини айтиб ўтиш лозим. Лекин биз ўз олдимизга қўйган талаблар нуктаи назардан мавжуд вазиятга баҳо берадиган бўлсак, афсуски, бажарилган ишларни қондириш деяр олаемиз, — деди Президентимиз. — Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси нима учун тузилди ва унинг асосий мақсади

маданан иборат? Бу саволга жавоб топиш учун мутасадди раҳбарлар, аввало, қандай жамият, қандай давлат қўраётганимиз, унинг асосий хусусиятлари, мақсади нимадан иборат эканлигини тўла англаб етмоғи лозим. Қўраётган жамиятимизга муносиб, ҳам жисмонан, ҳам маънан соғлом, ҳеч қандам кам бўлмаган авлодни тарбиялашимиз керак. Ҳар томонлама ваҳсага лойиқ қўлбаб авлодни тарбияламай туриб, эзгу ниятларимизни амалга оширишимиз қийин. Мазкур жамғарма орқали, аввало, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ёш наслимизни турли салбий таъсирлардан қўриқтириш, спортни оммавий, умумхалқ ҳаракатига айлантириш, айниқса, қишлоқда спортни ривожлантиришни кўзлағамиз. Бунга қандай эришиш мумкин? Масаланинг моҳиятини чуқур англаш учун, даставвал, бугунги вазиятга, бугунги аҳволга тўғри, ҳолис, танқидий баҳо бериш лозим.

Давлатимиз раҳбари болаларнинг спорт билан шуғулланиш даражасига эътибор қаратди. Мамлакатимизда 6 миллион 720 миң нафар 6 ёшдан 17 ёшгача бўлган бола бор. Йиғилишда таъкидланганидек, уларнинг 70 миң нафарини спорт билан мунтазам шуғулланиши керак.

Ҳокимнинг, раҳбарнинг энг асосий вазифаси — аввало, мамлакатимизда олиб борилаётган давлат сиёсатини, унинг устувор йўналишларини, стратегик мақсадларимизни тўғри тушуниш, одамларимизни ҳусусан, ёшларимизнинг эртанги кунини ўйлаш, бунинг учун муносиб шарт-шароит яра-

«ЎЗБЕК МАҲАЛЛАСИ» ЕВРОПА ПАРЛАМЕНТИДА

Брюсселдаги Европа парламенти биносида «Ўзбек маҳалласи» одамлар, аъёнлари ва урф-одатлар мавзусида фотоқўрғазма бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон фотоусталарининг маҳалла, унинг тарихи ва замонавий ўзбек жамиятида тугган ўрни ҳақида ҳикоя қилувчи 60 дан зиёд ишлари намойиш этилди.

Фотоқўрғазма тақдирот маросимида Европа парламенти депутатлари, Европа Иттифоқи Комиссияси масъул ходимлари, Брюсселда фаолият юритаётган дипломатик миссия вакиллари, Бельгия вазирлик ва идоралари раҳбарлари, журналистлар ва мамлакат пойтахти намоёндалари иштирок этди.

Европа парламенти раиси Пэт Кокс фотоқўрғазма меҳмонларига йўлаган ўзининг табрик мактубида «Ўзбек маҳалласи ва у илгари сураёт-

ган гоё тўғрисидаги фотоқўрғазма маданий алмушув ва ўзаро тушунишга хизмат қилади. Бундай воқеалар халқорам ҳамжамиятда яхши ният, самимий мулоқот ва шериклик тамойилларини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга» деб ёзди.

— Ўзбекистон деганда кўпчиликнинг тасавурида Самарқанд, Бухоро, Хива каби афсонавий шаҳарлар гавдаланади. Европа парламентида ташкил қилинган ва ўнлаб давлат вакиллари меҳмон бўлган «Ўзбек маҳалласи» одамлар, аъёнлари ва урф-одатлар» фотоқўрғазмаси мамлакатининг аъёнлари ва бугунги кунини ҳақида европаликларда кенроқ тушуна пайдо бўлишига хизмат қилади, — деди Европа парламенти Марказий Осиё билан алоқалар хайъати раҳбарининг ўринбосари Жон Бовис фотоқўрғазмани очиш маросимида.

Фотоқўрғазма экспонатларини кўздан кечирган кўпсонли меҳмонлар ўзбек халқининг бой маданияти, урф-одатлари ва аъёнлари билан яқиндан танишиш учун қулай имконият бўлганини билдирдилар.

«Жаҳон» АА

2004 йил — «Меҳр-мурувват йили»

МУРУВВАТ КУНЛАРИ ДОИРАСИДА ИЛК УЧРАШУВ

Хабарингиз бор, «Эқосан» жамғармаси, Ўзбекистон мусулмонлари идораси ва Ўзтелерадиокомпания ҳамкорлигида «Кўшни-қўшнига» широи остида мурувват кунлари ўтказилиши эълон қилинган эди.

8 январь кунини Бектемир туманида мурувват кунлари доирасида дастлабки учрашув ва хайрия тадбири ўтказилди.

Унда Ўзбекистон мусулмонлари идораси, «Маҳалла» жамғармаси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси вакиллари, Бектемир туманида жойлашган маҳаллалар аҳли иштирок этдилар. Уни туман ҳокими Шўқурилла Ҳикमतов олиб борди.

Учрашувда «Кўшни-қўшнига» широи остида ўтказилаётган мурувват кунлари ҳақида батафсил маълумот берилди. Жамғарма раиси Юсуфжон Шодиметов таъкидлаганидек, мазкур кунларни ўтказишдан асосий мақсад — жамиятимизда меҳр-шафқатга муҳтож бўлган ногиронлар ва етимларга, боқувчисини йўқотган кўп болали аёллар ва ёлғиз қарияларга ғамхўрлик кўрсатиш ишларига жамоатчилик эътиборини қаратиш, одамларни бири-бири билан аҳилликка, меҳр-оқибатликка, қўшнчилик муносабатларини яхшилаш, миллатлараро дўстлик муҳитини мустаҳкамлашга ҳақириш.

«Эқосан» фахрийлар уюшмаси раиси Мадамин Ҳасанов, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг ўринбосари Абдуразоқ қори Юнусов, ЎзХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби Аслиддин Рустамов, «Маҳалла» хайрия жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими раиси Рихсатилла Акрамов ўз чиқишларида етимларга, ногиронларга, кўп болали ночор оилаларга мурувват ёрдамлари кўрсатиш, боқувчилардан жудо бўлган, ёлғиз яшаётган қарияларимизга ғамхўрлик қилиш борасидаги асрлар давомида шакланган, миллий қадриятларимизни ривожлантириш, шунингдек ёшларимизни меҳр-мурувватли, нафақат инсонга, балки барча табиат иншоотларига тўғри муносабатда бўлишга чорлаш масалалари тўғрисида гапирдилар.

Бектемир туманида бўлиб ўтган учрашув катнашчилари «Эқосан» халқорам жамғармасининг ушбу ташаббусини маъқуладилар. Чунки, мурувват — инсоннинг инсонга нисбатан ҳурмати, меҳр-муҳаббатининг амалий тарзда намоён бўлиши ва халқимизнинг олий фазилатларидан биридир.

Учрашув якунида туман аҳлига «Эқосан» халқорам жамғармасининг умумий қиймати 505 миңг сўмга тенг бўлган ёрдами топширилди. Унинг таркибиде иссиқ кийимлар, кўрпа-тўшак гилофлари бор.

(Ўз мухбиримиз)

БАЙРАМ ОЛДИДАН

Ўзбекистон мудофаасига қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Самарқанд вилоят кенгаши тасарруфидеги автомобиль мактаблари ҳар йили республика Қуролли Кучлари оғзаб ҳарбий-техник мутахассислар етказиб бераётир. Мактабларда бўлажак ватан ҳимоячиларига ҳарбий касбий билим бериш баробарида уларнинг жисмоний чиниқилари, маънавий камолотига ҳам эътибор қаратилган. Ёшлар билан маънавий-маърифий мавзуларда суҳбатлар ўтказиш, ҳарбий қисмлар хаёти билан таништириш, спортнинг техник ва амалий турлари бўйича мусобақалар ҳамда бошқа қатор тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Самарқанд шаҳар зобитлар уйда ватанпарварлик ойлги муносабати билан ўтган йиғилишда ҳам бундай тарбиявий ишларни янада кучайтириш лозимлиги таъкидланди.

— Ўқув-тарбия жараёнида асосий эътиборни Ватанимиз мудофааси қобилиятини янада мустаҳкамлашга қаратилмиз, — дейди «Ватанпарвар» ташкилоти вилоят кенгаши раиси И.Фофуров. — Шунингдек, мудофаа вазирининг ҳарбий-техник мутахассислар тайёрлаш бўйича топшириқлари ҳам ўз вақтида бажарилмоқда.

Ҳар йили ўтказилаётган ватанпарварлик ойлги ёшлар учун ўзига хос маҳорат ва синов қўриғи бўлиб келмоқда. Оммавий ватанпарварлик ойлги 2004 йил 14 январь — Ватан ҳимоячилари кунда маънавий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақалари, учрашувлар билан яқунланди.

Шўҳрат ҚАРШИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

14 январь — Ватан ҳимоячилари кунини

ЙЎЛОВЧИЛАР МАНФААТИНИ КЎЗЛАБ

Вазирлар Маҳкамаси 2003 йил 4 ноябрда «Ўзбекистон Республикасида автомобиль транспортида йўловчилар ва багаж ташин қондаларини ҳамда автобусларда йўловчилар ташин хавфсизлигини таъминлашга доир талабларни тасдиқлаш ҳақида» қарор қабул қилган эди. Унда автомобиль транспорти фаолиятининг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш, энг муҳими, йўловчиларнинг манфаатлари кўзда тутилган ҳолда, уларга қўлай шартларни яратиш, ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш масалалари кўтарилган. Қарор талаблари шу йил 1 январдан эътиборан амалдага таъбиқ этила бошланди. Ҳўш, унда транспорт хизмати кўрсатувчилар ва йўловчилар учун қандай янгиликлар бор? Шу ҳақида мутасадди мутахассислардан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришни илтимос қилдик.

Қарор ва ижро

кўрсатишининг хусусий шакли ҳам юзага келди. Афсуски, ўтган вақт давомида мулкнинг хусусий секторида, қолаверса давлат ташкилотларига қарашли тармоқлардаги транспорт тизимида сифатли хавфсиз хизмат кўрсатиш талаб даражасида эмас эди. Яъни йўловчилар ташувчи автобуслар ва юк машиналарини ўз вақтида техник назоратдан ўтмай қолар, деярли қаровсиз ва таъмирталаб эди. Транспорт воситалари ана шу аҳволда йўлга чиқариб юборилаверарди.

Султонмурод МАТҚОБУЛОВ, Ўзбекистон Республикаси ИИВ ИХХБ бошқармаси техник назорат бўлими бошлиғи, милиция полковниги: — Мамлакатимизда кенг қўламда амалга оширилаётган иктисодий-ҳуқуқий ислохотлар хусусий мулкчиликни, жумладан очик ва ёпиқ турдаги акциядорлик жамиятларининг вужудга келиши ҳамда тараққий этишида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Аини ҳоқда аҳолига транспорт хизмати


Генерал-майор Илҳом Ибрагимов командирлик қилаётган «Жануб» минтақавий штаби тасарруфидеги ҳарбий қисмларнинг жангчилари ҳам Ватан ҳимоячилари кунини жанговар ва сиёсий тайёргарликда юқори қўрсаткичларга эришган ҳолда кўтиб олмақда. Мамлакатимизнинг турли вилоятларидан Ватан олдидаги муқаддас бурчини адо этиш учун қаҳирланган йигитлар муддатли ҳарбий хизматни аъло даражада ўтаб, командирлари ва тендошларининг ҳурматини қозонмоқда.

Келажақда, бутун миллий армиямизда бўлганидек, чегарачилар сафлари асосини ҳам сержантлар ташкил этиши яхши маълум. Чунки, Қуролли Кучларимизда босқичма-босқич ўтказилаётган ислохотлар талаби бўйича армия шартнома асосида хизмат қилувчи ҳарбийлардан ташкил топади. Шу боис чегара қўшинларидаги бундай кадрларни танлаш ва тайёрлашга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Майор Мирза Абдумитов командир бўлган ҳарбий қисмда шартнома асосида хизмат қилаётган ёшлар чегараларимизнинг доимо тинч ва осойишталигини таъминлаш учун бор куч-ғайратини сафарбар этмоқда.

— Чегарачи, аввало, мустақил фикрлайдиган, масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир, жисмоний ва маънавий жиҳатдан етук бўлиши лозим, — дейди Мирза Абдумитов. — Қисмида ана шундай фазилатларга эга чегарачилар кўпчиликни ташкил этади. Биз улар билан фахрланамиз.

Турсунбой БОТИРБЕКОВ,
ЎзА мухбири



Суратда: Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг Тошкент Олий ҳарбий чегарачилар билим юрти катта ўқитувчиси Доно Юлдашева дарс пайтида.

«QUVA MEBEL»
XONADONINGIZ FAYZI

O'ZBEKISTON HAVO YO'LLARI
TOSHKENT
XALQARO AEROPORTI

ХАЛҚ БАНКИ —
СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ

TOSHKENT SHAHAR
MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HANOKOR

Тел: 133-25-51, 133-46-61, Факс: 133-20-74
WWW.tshbmb.uz E-mail: info@tshbmb.uz va Birja@mail.tps.uz

Долзарб мавзу

Қорақўлчилик — чорвачиликнинг асосий таркиби. Кейинги уч йиллик сувилик ва қуруқчиликка қарамай Қорақўлчилик Республикаси чорвадорлари, айниқса, қорақўлчиликда ишлаётган чўпон-чўликлар қўйлар бош сонини сақлаб қолиш ва маҳсулдорлигини ошириш борасида бирмуна катта ишларни амалга оширишди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 июлдаги «Қорақўлчиликда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тадбирлари тўғрисида»ги қарори республика қорақўлчилик тизимида жиддий бурилиш ясади.

Соҳада қилинган саъй-ҳаракатлар ҳақида республика «Қорақўл» ҳиссасдорлик бирлашмаси раиси Сейдали САРИЕВ ҳикоя қилади:



Қўшимча 59 та транспорт воситаси ва 206 нафар ишчи кучи ажратилди. Ҳозир 24 та хашак майдалайдиган агрегат куну тун ишлаб турибди. Шунингдек, 376 тонна омихта ем, 39 тонна кунжар, 26 тонна шелуха, 44 тонна галла чиқиндилари ҳам гамлаб қўйилган.

Айни кунларда Қизилқумнинг «Оқдигар», «Супали», «Қўструба», «Саримай», «Қора тақир», «Кенели» яйовларида

тезиан қудуқлар ва скважиналар ёрдамида суғорилмоқда. Энг муҳими, отарларда битта ҳам она қўй зоотехника ва ветеринария назоратидан четда қолмаяпти. Қорақўл тери учун сўйиладиган қўзилар бош сонини ҳар йили камида 8-10 фоизга камайтириб бориб, ўстиришга қолдирилмаганларини сони кўпайтириш ва уларнинг соғлом, дуркун ўсиб ривожланишини таъминлаш бош вазифа қилиб қўйилган.

бошлади. Қолган 19 таси бошқа ҳўжаликларга ўрнатилмоқда. Муаммолар ҳам йўқ эмас. Яйловлар маҳсулдорлигини кўтариш учун уларни суғориш, артезиан қудуқлар ва скважиналардан режалар фойдаланиш борасида ҳали қатор камчиликларимиз бор. Тўғри, янги қудуқлар ва скважиналар қазилди, сув чиқариш йўлида аниқ режалар ишлаб чиққанмиз. Лекин, ҳозирги кунда уларнинг 35-40 фоизи ишламаяпти. Кейинги йилларда 40 та артезиан қудуқ ва скважина капитал таъмирдан чиққан бўлса-да, суғорма яйловлар ҳолатини яхшилаш учун ҳар йили камида 30-35 тадан ана шундай сув иншоотлари қурилиши, таъмирланиши керак. Бунинг учун энг аввало, маблаг таъминоти борасида тегишли ташкилотлар бизга амалий ёрдам бериши лозим.

Яна бир гап: ёнлиғи-мойлаш материаллари, омихта ем, кунжар, шелуха, электр энергия нархлари тез ўсиб кетаётганини ҳам қорақўлчиликке захматли соҳа фаолиятига бироз молиявий тўсиқлар соломқда. Мамлакатимиз Президенти янги 2004 йилни «Меҳр ва муруват йили», деб эълон қилгани аниқ мудио. Эеро, бу йилда чорвадорлар олдидан турган муаммолар ечимига ҳам кенг маънодаги муруват саҳавотларини етиб келадиган ниятдаимиз.

Рейимбой ЭШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ЧОРВА ҚИШЛОВИ — ЧўПОН СИНОВИ

— Қишлоқ ҳўжалигининг бошқа тармоқлари сингари қорақўлчилик ҳўжаликлари ҳам ширкат ҳўжаликларига айлантирилган, мол-мулк, чорва моллари ўз эгасини топди. Иختисослашган бирлашма ташкил этилди. Пай асосида ишлайдиган оилавий пудратчилар юзага келди. Кейинчалик шартнома асосида фаолият юритувчи 564 нафар оилавий пудратчи пайдо бўлди. Натихада, қўйлар ва совлиқлар бош сони йил сайин 3-5 фоизга кўпайиб борадиган бўлди.

Мана, кўрсаткичлар: бирлашма ташкил топган 1998 йилда жамоа ҳўжаликлари 26,6 миллион сўм зарар кўрган бўлса, ширкат ҳўжалигига айлантирилган, фойда олаётган бўлди. 2002 йилда бирлашма ҳўжаликлари 102,4 миллион сўм фойда олишди. Рентабеллик 24,6 фоиз бўлди. Ҳар 100 бош совлиқдан олинган қўзи режадагидан 9-10 бошга кўпайди. 2003 йил 1 декабр-гача бирлашма ҳўжаликлари бўйича қўйларнинг бош сони 146 минг 671 бошга етди.

Бу аввалги йилнинг шу даврига нисбатан қўйлар сони 61 бошга кўп, дегандир.

Шунингдек, йилликлар бош сони ҳам 36 бошга ортди. Давлатга 492 тонна гўшт, 131 тонна сут, 19 минг 570 дона қорақўл тери, 107 тонна жун сотилди. Биргина ширкат ҳўжаликларининг 2003 йилнинг ўтган ойлари ичида 65 миллион 375 минг сўм фойда кўришди. Режадаги 67 минг 147 бош ўрнига 67 минг 200 бош қўзи олинди. Шундан 59 фоизи ўстиришга қолдирилди.

Эришилган бу ютуқларда ўз касбининг ҳадисини олган тажрибали ва илгор чўпонларнинг ҳиссаси, айниқса, катта бўлди. «Мулик», «Қизилқум», «Устюрт», «Жанадарё» ширкат ҳўжаликларидан Талгат Жани-

қулов, Аразқилиқ Бердиев, Омангелди Бўронбоев, Давлат Жетекбоев бош чўпон бўлган отарларда қўй ва совлиқлар сонига тенг миқдорда қўзи олинди, улар тўла ўстиришга қолдирилди.

Ҳозир республика яйловларига киш аэли «қўрпа» ёпти. Ҳўжалик раҳбарларидан тортиб, чўпон-чўликлару жамоатчилик вакиллари ўз иш кунларини чорва моллари кишлаётган қўралар ва бостирма-ларга кўчирдилар. Қолаверса, мавсумга олдиндан пухта ҳозирлик қўрилди. Янги-янги қўралар қурилиб, эскилари таъмирланди. Хашак майдалайдиган агрегатлар барвақт шай қилиб қўйилди. 14 минг 650 тонна дағал хашак қишлоқ жойларига келтирилди.

қишлоқ соз ва беталофат ўтмоқда. Бу яйловлар ҳўжалик марказидан 80-170 километр узоқда бўлса-да, улардаги 298 та отар оилавий пудрат асосида парваришга олинган. Ҳар бир отар республика ва туманлардаги қатор идоралар, қорхоналар, бирлашмалар ҳамда бошқармалар оталиғига берилди. Улар ўз имкониятлари даражасида чўпонларни зарур озиқ-овқатлар ва иссиқ кийим-кечаклар билан таъминлаб турибди.

Яқин тўрт-беш йил ичида қўйлар бош сонини 280-300 минг бошга етказишни мўлжаллаганмиз. Бунинг учун биринчи навбатда 1129 минг гектар майдондаги яйловларнинг 1079 минг 2 гектари ар-

Кейинги йилларда қорақўл терилар сифатини яхшилаш йўлида сур терилар берадиган қўйлар сонини ҳам кўпайтиришга алоҳида эътибор берилди. Бу соҳада «Қизилқум» ширкат ҳўжалигиде тажриба ишлари йўлга қўйилди. Тўртқўл қорақўлчилик-наслик заводиде махсус патент олди. Навоий вилоятидан 250 бош наслдор кўчқорлар келтирилди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг беғарами ёрдамида қўй шўри ёрдамида электр энергия ишлаб чиқарувчи аппаратларнинг (улар 20 дона) биттиси ҳозир Тактақўпир туманидаги «Мулик» ширкат ҳўжалигининг «Қўструба» фермаси марказига ўрнатилди ва чўпонлар хонадонларига электр энергияси бера

45 МИНГА ЯҚИН ПОЛИЦИЯЧИ ИШДАН БЎШАТИЛДИ

«Синьхуа» агентлигининг хабар беришича, Хитойда 45 минга яқин полициячи порахўрлик ва бошқа жиноятларда гумон қилиниб, шунингдек, маълумоти ва мутахассислиги тўри келмаганлиги боис ўз вазифаларидан бўшатилди. Утган йил охирида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида амалга оширилган 4 ойлик «тозалов»дан сўнг шундай йўл тутишга қарор қилинган.

Маълум бўлишича, 273 полициячи ёши етгани учун истеъфога чиқарилган, 616 нафари қимор ўйнагани ва иш пайтида спиртли ичимлик истеъмол қилгани ҳамда ноқонуний қурол олиб юргани учун, 519 полициячи эса порахўрлик учун ишдан олинган. Бошқалари ҳақида аниқ маълумот тарқатилмапти.

Хитойда ҳаммаси бўлиб 1,7 миллионга полиция штати мавжуд.

ГРУЗИЯ: РАҲБАРИАТ ЯНГИ, МУАММО ЭСКИ

Грузияда бўлиб ўтган президентлик сайловлари шу кунларда жаҳон оммавий ахборот воситаларида муҳим мавзулардан бири бўлиб турибди. Негаки, сайловларда ким голиб чиқшидан қатъи назар, ҳокимият тепасига янги авлод сиёсатчилари келадди.

Бугун Миллий ҳаракат партияси етакчиси Михаил Саакашвилининг мутлақ кўпчилик овоз билан ғалаба қозонганига ҳеч ким шубҳа билдирмапти. Сайловларни кузатиб бораган халқаро кузатувчилар тадбирнинг адолатли ва ҳаққоний ўтганини тан олашган.

Грузия халқи Ғарбда таҳсил олган, ёш, ғайратли сиёсатчиға ишонмоқда. Аҳоли ана шундай кучларнинг ҳокимият тепасига келишини истаётгани сабабли, муваққат ҳукумат томонидан вазирлар ва маҳаллий раҳбарларнинг кўпчилиги алмаштирилди. Михаил Саакашвили ўз тақдирини, келажagini ёшлар билан боғламоқда. Ҳамма эҳдида 36 ёши қоралган сиёсатчи АҚШдаги Колумбия университетини адвокат мутахассислиги бўйича тамомлаган. У 1998 йилдаёқ Грузиянинг истиқболдаги энг ёрқин сиёсатчиларидан бири сифатида эътироф этилган эди. 2000 йилда Шеварднадзе ҳукуматиға мухолиф бўлганлар сафига қўшилди. Шеварднадзени истеъфого кетишга мажбур қила олган «Бахмал инқилоби»нинг ташкилотчиси Саакашвили сайловда олдин ва ҳаммага тушунарли бўлган дастур ҳамда шиорлар билан чиқди. Маъмуриятнинг нуфузини кўчатириш, солиқларни камайтириш, давлат пулларини ноқонуний ўзлаштирган амалдорлар ва олигархларнинг мол-мулкни мусодара қилиб, уларнинг ўзларини жиноий жавобгарликка тортиш, жиноятчилик ва коррупцияға радикал услублар орқали барҳам бериш, қашшоқликка қарши кураш Саакашвилининг асосий дастурлари эди.

Лекин бюджетдаги камоммад ва ташқи қарзларнинг кўпчилиги бўйича дунёнинг энг «илгор» мамлакатларидан бириға айланган Грузиянинг муаммоларини янги раҳбар еча олармикан? Грузиянинг собиқ президенти Эдуард Шеварднадзе яқинда ўз интервьюларининг бирини коррупцияға қарши кураша олмаганлигини ва бунинг учун раҳбарлик тизимидагиларнинг кўпчилигини қатагон қилишға тўри келишини айтиб ўтди.

Саакашвилининг сайловдаги ваздалари энди реал ҳаётға кўчиши керак. Маошлар, стипендия ва нафақалар ўз вақтида берилиши даркор. Тузилажақ янги ҳукумат олдида мамлакатнинг ҳудудий яхлитлигини таъминлаш, яъни Абхазия ва Жанубий Осетияни Тбилиси назорати остиға олиш вазифаси ҳам турибди. Бу икки муҳтор республика эса мустақиллик йўлидан қайтмаслигини таъкидлаб келмоқда.

Грузия жанубидаги арманлар кўпчилигини ташкил этган Жавахети туманидан ҳам бот-бот «мухторият берилиши керак» деган ақ-садолар янграмоқда. Аҳариянинг Тбилиси рухсатисиз айрим масалаларда Россия билан очик ва маҳфий музокаралар олиб бориши Грузия раҳбариятини қаттиқ ташвишга солмоқда. Янги раҳбарият сепаратчилик кўчайишидан қўчиб, Россия ҳарбий кучларининг мамлакатдан олиб чиқилишини талаб қилмоқда. Михаил Саакашвили ўз тарафдорлари олдида қилган чиқишида 4 январь сайловлари Абхазия ва Жанубий Осетия иштирок этмаган охириги сайлов бўлишиға ваъда берди.

Қоҳрамон Қўлдошев,
Абдували СОЙБНАЗАРОВ

ЁМҒИР ВА ҚОР ҚИЙИНЧИЛИК ТУҒДИРМОҚДА

Перуда бир неча кундан бери давом этаётган шаррос ёмғир натижасида сел келиб, ер кўчишлари ва сув тошқинлари юз бермоқда. Бир неча ўнлаб посёлкалар сув остида қолди, минглаб одамлар ўз уйларида айрилдилар. Ай-

ниқса, қишлоқ ҳўжалигига жуда катта зарар етди. Маккажўхоризорларни, шולי ва қахва плантацияларини сув босди.

Ҳозир далалар бўйлаб фақат қайиқда юриш мумкин. Йўлларни сел «ювиб» кетган. Шунинг учун талафот кўрган одамларға ёрдам беришда мушкуллик юзага келмоқда. Шу ваздан табиий офатдан жабр кўрганларға самолёт ва вертолётларда ҳавода туриб дори-дар-

мон, иссиқ кийим ва егуликлар ташланмоқда.

Метеорологларнинг айтишича, яқин кунларда об-ҳавода ўзгариш бўлмайдди. Лотин Америкасининг мазкур ҳудудида ёмғирли мавсум март ойининг ўрталаригача давом этади.

АҚШнинг Вашингтон ва Орегон штатларида эса одамлар кучли қор бўронидан азият чекмоқдалар. Йўлларда сирпанчиқ ҳосил бўлганлиги боис автомобиллар «тиқини» юзага келган. Кучли шамол электр узатиш тармоқларини издан чиқарди, натижада ўн минглаб уйлар электрсиз қол-




«МАРСОХОД» ҚАДАЛИ ҚОЛДИ

Маълумки, АҚШнинг аэронавтика ва фазо кенгликларини тадқиқ қилиш миллий бошқармаси — NASA Марс сайёрасига Spirit номли фазовий аппаратини учирган ва унинг шу йил 4 январь куни мазкур сайёраға қўнганини дунё оммавий ахборот воситалари хабарлаган эди. Ҳозир аппарат Қизил сайёра юзаси бўйлаб юришга «куч» тўпламоқда, яъни у қўёш энергияси ҳисобига ҳаракатланиши боис энергия йиғмоқда. Бу даврда NASA мутахассислари унинг барча усқуналари ишлаш-ишлмастлигини текшириб чиқдилар.

Авалло шунчи айтиш лозимки, Spirit АҚШнинг Марсға қўнган биринчи аппарати ҳисобланади. Opportunity дея номланган иккинчи аппарат эса 24 январь куни Марсинг бошқа чеккасига қўнади. Бу икки аппарат 820 миллион долларға тушди.

«Марсоход»лар телекамера ва илмий кузатув-тектирив усқуналари билан таъминланган бўлиб, 173 килолик вазнга эга. 6 та алюминли гилдираги бор.

Куни кеча олимлар Spiritни сайёра юзаси бўйлаб юргизишға уриниб қўришди. Аммо кичик бир муаммо туғилди. Аппарат жойлашган платформанинг ёстиқчали амартизаторларидан ҳаво бутунлай чиқиб кетмаганлиги боис, аппарат платформадан сайёра юзасига чиқолмади — ҳаволи ёстиқчалар гилдирақлар эркин ҳаракатланишиға ҳалақит бермоқда. Шунинг учун мазкур иш мувофиқлаштирувчиси Артур Амадор бошчилигидаги мутахассислар ёстиқчадаги ҳавони чиқариб ташлашға уринишди. Бироқ, ёстиқча 5 сантиметрға пасайди, ҳолос. Белгиланган муддатға қўра, аппарат ақшанба ёки душанба куни сайёра юзаси бўйлаб юришни бошлаши лозим. Лекин муаммо юзага кел-



ганлиги боис юриш сешанбаға қолдирилди.

Мутахассислардан бири Арт Томпсоннинг айтишича, энди улар ёстиқча остида қолган қўнувчи аппаратнинг очилиб-ёпилиши «япроқларидан бирини кўтаришмоқчи ва бошқа жойға кўчиришға ҳаракат қилишмоқчи» (бу вазифаларнинг барчаси ердан туриб бошқарилмоқда). Агар бунда ҳам муаммо бартафат этилмаса, аппарат захирдаги икки «йўлак»дан бирини сайёра юзасига тушади. Бунинг учун у платформада бурилиб олиши керак.

Spirit ҳозиргача ерга 60 дан ортиқ сурат жўнатди.

Аслида Марсни тадқиқ қилиш тарихи ўтган асрининг 60-йилларидан бошланган. Ушандан бери ушбу сайёра томон 31 та фазовий аппарат учирилган.

Бу ишға биринчи бўлиб собиқ иттифоқ олимлари киришган эди. Бироқ 1960 йил октябрь ойида учирилган иккита ракета бу сайёраға етиб бориши у ёқда турсин, ҳатто Ер орбитасидан ҳам чиқиб кетолмаган эди. Spirit эса Марс тўпругини тадқиқ қилади, сайёрада ҳаёт бор-йўқлигини аниқлайди. Бундан ташқари, сувнинг физик ёки химик ҳоссалари изи бор-йўқлигини ўрганади. Бу тадқиқот 90 марс кунини (Ердаги 93 кунга тенг) давомда олиб борилади.

Ғайрат СУЛТОНҚУЛОВ



Греция соҳнадаги қадимий обидалардан бири.




ди. Икки кундириқ, мактаблар ва бошқа болалар муассасалари ёпиқ.

Орегонда чоп этиладиган Statesman Journal нашрида ёзилишича, Портленд халқаро аэропортида 330 та парвоз қолдирилган. Ҳозир аэропортининг кутиш зали йўловчилар билан лик тўлган.

ФЕРМАЛАРДА ЭПИДЕМИЯ

Вьетнамнинг жанубида номаълум вирус тарқалганлиги боис паррандачилик фермаларида ёпиқасига товуқлар ўлими юз бермоқда. Шунинг учун ҳам Қишлоқ ҳўжалиги ва қишлоқларни ривожлантириш вазирлиги қошида касаллик вирусини аниқлаш ва унга қарши кураш марказий штаби тузилди.



Вазирлик қошидаги ветеринария бошқармаси хабар беришича, товуқлар қирилиши илк марта Тиен Зянг вилоятидаги фермалардан бирида икки ҳафта олдин қайд этилган. Мазкур касаллик уй товуқлари орасида кўплаб учрайдиган пастереллез касаллиги аломатлариға ўхшаб кетади. Лекин унинг вируслари шу пайтгача фанга номаълум бўлган янги хилдаги вируслардир, дейилади «Новости» агентлиги ахборотида.

Бугунги кунда касаллик Тиен Зянг ва Лонг Ан вилоятларида кенг тарқалган бўлиб, шу пайтгача 700 мингга яқин товуқ касаллик оқибатида нобуд бўлди.

Ҳозир эпидемия қўшни вилоятларға ҳам тарқалиб кетмаслиги учун қатий чора-тадбирлар белгиланмоқда, жумладан, ветеринария ҳўжати бўлмаган товуқлар савдоси тақиқланди.

Эндиликда мамлакатдаги барча паррандалар ветеринария кўригидан ўтказилади ва уларнинг соғломлигини тасдиқловчи ҳужжат берилади.

Божхонада нима гап?

КОНТРАБАНДА — ХАВФЛИ ИЛЛАТ

ЁКИ ҲАМ ИҚТИСОДИМИЗГА, ҲАМ САЛОМАТЛИГИМИЗГА ЗИЁН ЕТКАЗМОҚЧИ БЎЛАЁТГАНЛАР ҲАҚИДА

Бугун нафақат бойлигимиз, балки соғлигимиз қайсидир маънода ҳам бохоначиларимизға боғлиқ, десак муболаға бўлмас. Уларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли ҳар кунчи мамлакатимиздан олиб чиқиб кетишға уринилган миллионлаб сўмлик товар-моддий бойликлари ушлаб қолинмоқда. Шу билан бирға республикамизға катта миқдордаги зарарли маҳсулотлар кириб келишининг олди олинаяпти.

Яхшиси, бохоначиларнинг бир кунлик иш натижаларининг қисқача тафсилоти билан таништирсак. Биргина ўтган йилнинг 21 декабрида 16 ҳолатда 1 млн. 46 минг сўмлик 0,5 литрли 2157 дона алкоғоль ичимликлари республикамизға ноқонуний равишда олиб кириляётганда ушланди. Етти ҳолатда 3 млн. 30 минг сўмлик 10432 қути тамаки маҳсулотлари контрабандасига йўл қўйилмади. 3 ҳолатда 5322 дона пиротехника воситалари республикаға ғайриқонуний равишда олиб кириляётганда ушлаб қолинди.

Бухоро вилоятидаги Қорақўл тумани «Саёт» жамоа ҳўжалиги орқали ўтайдиган автомагистралнинг «Саёт» ИПҲ масканда «Қорақўл — Қизилтепа» йўналиши бўйича кетаётган фуқаро Муҳамедов Хайрулла Юсупович бошқарувидаги «Нексия» русумли давлат рақами 20D0099 бўлган автомашина тўхталиб текширилди. Унда Навоий вилояти Қизилтепа туманидаги Оқолтин ширкат ҳўжалиги Айрончи қишлоғида яшовчи Ражабов Хусниддин Қаландаровичға тегишли, Ўзбекистон Республикаси ақдиз марказли билан тамағланмаган, чет элда ишлаб чиқарилган 10000 қути 2.800.000 сўмлик «PINE-Lights» филтрли сигареталари бор экан. Бу ҳолат бўйича суриштирув ишлари олиб борилмақда.

Тезкор маълумотлар асосида ўтказилган тадбирлар давомида Самарқанд вилоятининг Булунғур — Ургут йўналиши бўйича ҳаракатланаётган «Мерседес-Бенц» русумли давлат рақами 14 G 5200 автобуси тўхталиб текширилганда Самарқанд тумани, Чинор кўчаси, 95-ўйда яшовчи Баратов Олим Хитойда ишлаб чиқарилган умумий нархи 10.181.000 сўмлик жами 44930 дона кийим-кечак ва турли хилдаги халк истеъмол молларини ҳўжатларсиз ноқонуний равишда олиб келаяётганлиги аниқланди.

Сирдарё вилояти бохона бошқармасининг «Оқолтин» бохона пости ходимлари томонидан Оқолтин тумани худудидидаги бохона назорати ўрнатилмаган айланма йўли орқали пиёда ҳаракатланаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари Мейлиев Акрон Низомович ва Бобоқул Абдуманнон Холмуродовичлар тўхталиб текширилганда оқларини ичидан уларға тегишли мамлакатимизға ноқонуний олиб келинаётган, жами 2390 қути пиротехника воситалари борлиги аниқланди.

Шунга ўхшаш ҳолат Фарғонада ҳам кузатилди. Фарғона вилоят бохона бошқармаси ходимлари «Ўзбекистон» бохона постида Қирғизистон Республикасидан Ўзбекистон Республикасига бохона назорати ўрнатилмаган Фарғона тумани, Гуллиб қишлоғидаги айланма йўл орқали ҳаракатланаётган «М-АЗЛК» русумли, 15 N 2485 давлат белгили автомашина тўхталиб текширилганда, Қувасой шаҳрида яшовчи Маназаров Абдулҳафизға тегишли 2880 дона пиротехника воситалари борлиги аниқланди ушланди.

«Тошкент-Аэро» ИБК, 5-сонли бохона пости ҳамда аэропорт учиб хавфсизлиги хизмати ходимлари ҳамкорлида «Тошкент» аэропортининг халқаро йўналишида учиб кетувчи йўловчиларни бохона назоратидан ўтказувчи «VIP» залида «Тошкент — Белград — Нью-Йорк» йўналиши бўйича Белград шаҳрига учиб кетаётган чет эл фуқароси Хегнер Ирина бохона назоратидан ўтиш вақтида бохона баённомасида кўрсатмай нимчасига яшириб 10000 АҚШ долларини олиб кетаётганда сирфи фош бўлди.

Булар бохоначилар «тўри»ға тушганларнинг айримлари, ҳолос. Бохоначиларнинг тушунтиришлариға қарамай баъзи юртдошларимиз ҳамон кингир ишға қўй уришмоқда. Улар ўзларининг бу хатти-ҳаракатлари билан ҳам иқтисодимиз, ҳам соғлигимизға зиён етказиляётганликларини биллшармикан? Контрабанда ғайриқонуний фаолият, таъбир жоиз бўлса, хавфли иллат. Шундай экан, тўғри йўлдан юриб, қонуний иш қилган яхши эмасми?

Абдумўмин ТИЛОВОВ,
Давлат бохона кўмитаси матбуот хизмати раҳбари,
Равайн ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Тадбир

КҮН ТАРТИБИДА — ЁШЛАР КАМОЛОТИ

Ўзбекистон Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институти билан ҳамкорликда Наманган муҳандислик иқтисодиёт институти ўқувчилари «Меҳр-мурувват» гоёси ва ёшлар камолоти мавзусида илмий-амалий анжуман уюштирилди.

Унда институти ректори, техника фанлари доктори, профессор Ҳамид Аҳмадхўжаев анжуман иштирокчилари эътиборини меҳр-мурувват халқимизнинг авлоддан-авлодға ўтаётган қимматли мероси бўлиб давом этаётган эъзозли маънавий қадриятларимиздан бири эканлигини таъкидлади. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институти директори, фалсафа фанлари доктори, профессор Қиём Назаровнинг «Меҳр-мурувват» тақомили ва ёшлар тарбияси мавзусидаги маърузаси, айниқса, институти талабаларида яхши таассурот қолдирди.

Шунингдек, олимлардан Аҳмадхон Лукмонов, Бахтиёр Исоқов, Равайнбек Исмоилов, Ақмалжон Хусановларнинг «Меҳр-мурувват ва диний бағрикенглик», «Меҳр-мурувват: аъналар ва янгилаш тамойиллари», «Ёшлар камолоти ва ижтимоий фаоллик», «Кўп миллатли жамаатда меҳр-мурувват тамойиллари ва ёшлар тарбияси» каби маърузалари ҳам қизиқарли, мазмунли кечди.

Абдунаби ҚОРАБОВ

ҲАҚ-ҲУҚУҚИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ ?!

Саволларга ҳуқуқшунос, 2-даражали адлия маслаҳатчиси Эргаш САЙИТОВ жавоб беради.

САВОЛ: Кредиторга нисбатан ҳақ-ҳуқуқлар бошқа шахсга қандай асос ва тартибларга мувофиқ ўтказилади?

Ж. Бобоев, Навоий вилояти.

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 313-моддасига мувофиқ мажбурий асосида кредиторга тегишли бўлган ҳуқуқ (талаб) унинг томонидан битим бўйича бошқа шахсга ўтказилиши (талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш) ёки Қонун асосида бошқа шахсга ўтиши мумкин.

Кредиторнинг ҳуқуқлари бошқа шахсга ўтиши учун, агар қонун ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, бундай ҳолларда қарздорнинг розилиги талаб қилинмайди.

Агар қарздор кредиторнинг ҳуқуқлари бошқа шахсга ўтганлиги ҳақида ёзма равишда хабардор қилинган бўлмаса, янги кредитор шу тўғрисида қўйилган қўйилган бўлмайди. Бундай ҳолда мажбурийнинг дастлабки кредиторга нисбатан бажарилиши тегишли кредиторга нисбатан бажарилиш, деб ҳисобланади.

Кредитор ҳуқуқларининг бошқа шахсга ўтиши ҳақидаги қоидалар регресс талабларга нисбатан қўлланилмайди.

САВОЛ: Қарзларни бошқаларга ўтказиш масаласи қандай тартибда амалга оширилади?

У.Муродов, Самарқанд вилояти.

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 322-моддасига мувофиқ қарздорнинг ўз қарзини бошқа шахсга ўтказишига фақат кредиторнинг розилиги билангина йўл қўйилади.

Янги қарздор кредитор билан дастлабки қарздор ўртасидаги муносабатларга асосланган барча эътирозларни кредитор талабига қарши қўйишига ҳақли.

Агар қарздор ёки гаровга қўювчи янги қарздор учун жавоб беришга рози бўлмаса, қарз бошқа шахсга ўтказилиши билан қарздорнинг ўзининг бошқа шахс томонидан белгиланган гаров бекор бўлади.

Қарзни бошқа шахсга ўтказиш шаклига ушбу кодекс 320-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларидаги қоидалар тегишлилигига қараб қўлланилади.

Ҳикматли сўзлар

МАЪНОСИ

КЎРК — КЎЗ БИЛАН ОҒИЗДА

«Кўз — кўнгил ойнаси» деб бежизга айтмайдилар. Бирининг кўнглида нимаки бўлса, уни кўз қарашлари шундай билдириб туради. Кишининг яхши ниятини ҳам, ёмон ниятини ҳам кўзидан ўқиб ола билади. Оғиз ҳам шундай: кишининг дилида бори тилига чиқмай қолмайди. У ёки бу одамнинг кўрки, яъни яхшилиги унинг кўзидан ва сўзидан маълум бўлади. Мазкур мақолада ана шу нарса ифода этилган.

КЎРЛИККА КЎНГАН ХЎРЛИККА КЎНМАС

«Кўрликка чидаб бўлади, хўрликка чидаб бўлмайди». Кўрлик — киши учун энг оғир, энг бедаво дардлардан бири. Инсон бу дард ҳар қачан оғир бўлмасин, чидай олади, аммо хўрликка, яъни иззат-нафсининг поймол этилишига, таҳдирланишига асло чидай олмайдиган, руҳан қаттиқ эзилди, касалликка чалинади, ҳатто ўлиб ҳам кетади. Мазкур мақоллар билан ана шундай ифода этилди.

КЎРМАГАН ШАҲАРНИНГ КЎЧАСИ КЎП

«Кўрмаган кўчанинг чуқури кўп». Бу мақоллар билан мажозан: «Илгари кўрмаган, билмаган, синашга бўлмаган, нотаниш жойда босган қадамнинг билиб бос, бепарво бўлма, эҳтиёт бўл. Хар бир жойда хар хил одам — яхши ҳам, ёмон ҳам бўлади. Сергак, эҳтиёткор бўлмасанг, ёмон одамларнинг тузюгига тушиб қолишинг, шикаст топишинг, зиён-заҳмат кўришинг мумкин», деган маънода насиҳат қилади.

Инсон ҳомираси — ази

ЗИЁ СОҒИНЧИ

Дунёда шундай бир эзгулик бор — сенга оламини танитадиган, қалбинга нур, ҳарорат олиб кирадиган. Бу пок хилқат олдидан барча буюқлар бош эгади, жамик шодликлар ундан қувонч олади. Бу зиё бешиги — китоб.

Умри, бутун ҳаётини одамларга зиё таратишга, уларни яхшиликка, ҳалоллигига диёнатга қорласга боҳишда одамлар қанча орамизда. Улар тўғрисида хонадонимизга нур кириб келади, меҳр-оқибат, эзгулик ҳар бир кўнгилдан кўним топади.

Хар гал кўлимга китоб олганимда, раҳматли Баҳри опани эслайман. Истараси иссиқ, доим юзларидан нур ёғилиб турадиган бу аёл академик шоир Фафур Фуломнинг кенжа сингиллари эди. Умри давомида турли даргоҳларда шижоат билан ишлаб келган Баҳри Фуломова кўп йиллар республика китоб савдосида жонбозлик кўрсатган, минглаб китоблар юрдошларимизнинг хонадонига кириб боришида катта хизматлар қилган инсон эди. Энг муҳими, у ўша йилларда китоб савдоси маданиятини ошириш билан бирга, жуда кўп шоғирлар тарбиялашга, ўнлаб маърифат ўчоқлари барпо

қилинишига эришди. Баҳри опа адабиётнинг чин ихлосманди эдилар. Қарашлари тийрак, самимий кўзлари табассумдан порлаб туриш-ю, оддийгина гапиришлари устоз шайримизни эслатди. Ўз ишига қуюнқаклиги ҳам... «Баъзан, Фафур Фулом билан хаёлан сўзлашгандак бўламан, — дерди Баҳри опа ўйчан жилмайиб. — Акам бизга жудаям гамхўр эдилар. Ота-онадан эрта етим қолгач, акам бизни тарбиялаб ўқитган-да. Хар қуни бир ҳол-аҳвол сўрамаса, кўнгли жойига тушмасди. Акам доим: «Баҳрихон, хонадонларга китоб, яъни нур, офтоб олиб кираяпсанми, демек савоб



уш қилаяпсан. Бўш келма, акангинг синглиси!» деяётгандек бўлаверади...

Халқимизда «Қалби нафосатга тўлик одам мазмундор ҳаёт кечиради» деган нақл бор. Баҳри Фуломова аввало ўзи кўп китоб ўқигани учун ақли, дилкаш, ташаббускор эди.

1958 йили Тошкентда Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг анжумани бўлди. Ушанда Баҳри опа шунчалар кўп елиб-югурдики, бундан хорижлик меҳмонлар ҳам мамнун бўлишди. Йигирма нафар энг яхши китоб сотувчига махсус ўқитувчи ёллаб, инглиз тилини ўргатди. Қизларга бир хилда зардўзи дўппи, атлас қўйлак

буюртирди. Анжуман кунлари Алишер Навоий театри фойеида аjoyиб китоб савдоси уюштирилди. Меҳмонлар бундай маданиятчи хизматни уюштиргани учун Баҳри опага тахсинлар айтгани кечагидек эсимда.

Баҳри Фуломова китобга бепарво одамни кўрса чидаб туролмасди. «Китобни ардоқла, ўзинга дўст деб бил!» У бу гапни кўп такрорларди ва аввало ўзи амал қиларди. Атрофидаги одамларга, етим-есирларга меҳр-мурувватли, ҳимматли эди.

Бу кун Баҳри опанинг юзлаб шоғирлари эзгулик йўлини давом эттиришяпти. Китоб орқали одамлар қалбига ёруғлик олиб киришдек улус ишда унинг ўғитларини кўнгилга жо қилиб меҳнат қилишяпти.

Ҳа, хотира абадий экан, инсонга меҳр ўчмас экан, Баҳри Фуломовадек маданиятимиз ривожига елка тутган заҳматқар инсонлар номи ҳамisha эҳтиром билан тилга олинаверади. Зеро, зиё соғинчи — муқаддас.

Санъат МАҲМУДОВА

Санъаткор билан учрашув

ҚЎШИҚ — ҚАЛЬ ҚАНОТИ

Меҳр-муҳаббатсиз яшамоқ оғир. Куй-қўшиқларсиз, улар берадиган маънавий қудратсиз эса ҳаётимиз қашшоқ бўлур эди

Хар бир инсон ўз руҳиятида кечаётган туйғуларни қандайдир восита ёрдамида ифода этишга интилади. Мусаввир ранглар, шоир сатрлар, санъаткор эса оҳанг ва сўз ила ўз қалб қирраларини намоян элади.

Бугунги ўзбек эстрада санъати ҳақида турлича қарашлар билдириляпти. Кимдир соҳадаги камчиликларга кўрор эътибор берса, яна бирор ютуқларга назар ташляпти. Холислик нуқтаи назаридан олиб қаралганда, ушбу йўналишда муаммолар билан бирга эътироф этишга арзигулик ишлар ҳам амалга оширилмоқда. Энг асосийси, эстрада жанрида ижод қилаётган, изланаётган истеъдодли ёшлар сафи тобора кенгаймоқда. Вақт хар доим олий ҳакам, у хар бир ижодкорга ўз баҳсини беради.

Умидли хонанда Рустам Маҳмудов санъат эъзоз толган, адабиёт, маданият ҳақида кизгин мулоқотлар бўладиган оилада камол топди. Болалигиданоқ ўзбек театр санъатининг даргалари, машур қўшиқчилар, мухикачилар сўбатларидан баҳраманд бўлди. Онаси — Ўзбекистонда хизмат қилган артист Мария Маҳмудова, отаси санъаткор Шоҳиржон Маҳмудовлардан куй, қўшиқ сирларини ўрганди. Оилада бошланган санъат сабоқларини Ўзбекистон Давлат консерваториясида давом эттир-

ди. Устозлар ибрати унга ўз йўлини топиб олишида муҳим омил бўлди.

У санъат оламига илк қадами оранжировкачи сифатида қўйди. Ёш хонанданинг тинимсиз изланишлари муваффақият томонидан қорчи баҳоланди. «Ҳеч кимга бермаймиз, сени Ўзбекистон!» номли қўшиқ оранжировкаси Рустам Маҳмудовга катта шукрат келтирди. Халқимиз ардоғидаги машур санъаткорлар томонидан ижро этилган Ватан, миллат, истиқлол руҳидаги қўшиқларга сайқал бериш қўшиқчилигимизда ўзига хос янги йўналишни очиб берди.

Утган йиллар давомида санъаткорнинг истеъдод қирраси яна бир бор намоян бўлди. Унинг ижросидаги қўшиқлар тез орада мухикачиларини топди. «Ўксима болажон», «Киз бор», «Енингга боламан», «Нилуфар» каби ижод намуналари бугунги кунда ёшларимизнинг севимли қўшиқларидан саналади.

Фаррух ҲАМРОЕВ

Интер-спорт

МУТЛАҚ ЧЕМПИОН ШАЙЛАНМОҚДА

Бокс бўйича биринчи ўрта вазли жаҳон мутлақ чемпиони Константин Цзю америкалик Шармбой Митчелл билан Москвада 7 февраль кунини ўтказиладиган жангга Австралия тайёргарлигини ниҳоясига етказмоқда. 22 январь кунини Россия-Австралия боксчиси Москвага келади. Бу ерда кўзда тутилган учрашуга сўнги тайёргарлигини ниҳоясига етказди. Константин Австралияда ўтказилган тайёргарликдан мамнун эканлигини изҳор этмоқда. Унинг тайёргарлигини Голливуд юлдузларидан Россел Кроу билан Анжело Данди кузатишган экан. Маълумки, Данди бир вақтлар машур Мухаммад Алига ҳам мураббийлик қилган. Эслатамиз, жаҳон мутлақ чемпиони Константин Цзю Митчелл билан 2001 йилнинг баҳорда учрашган ва техник ноқуят ҳисобида галаба қозонган.



Санъат МАҲМУДОВА

ДИҚҚАТ: ТАНЛОВ!

ҲУРМАТЛИ МАҲАЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ИШБИЛАРМОН, ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

Паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор давлат корхоналари ва паст ликвидли объекларни инвестор томонидан инвестиция мажбуриятлари қабул қилиниши шартли билан инвесторларга танлов асосида бепул бериш бўйича Тошкент шаҳар ҳудудий танлов комиссияси 2004 йилнинг 20 январь, 3, 17 февраль, 2 март кунлари танлов савдоларини ўтказлади.

Танлов савдосига қуйидаги объект қўйилган: — «Ўзгўштсеутмаҳсусавтотранс» жамоа корхоналари автотранспорт концернининг Тошкент шаҳри, Сирғали тумани, Чоштепа кўчаси, 381-уй манзилида жойлашган Тошкент 3-автокорхонаси.

ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ:

Танловда иштирок этишни хоҳлаган барча талабгорлардан уч мустақил қисмга эга бўлган алоҳида-алоҳида конвертларда муҳрланган ҳужжатлар тўплами, яъни а) ариза ҳужжатлари тўплами; б) техник ишлаб чиқариш тақлифлари ҳужжатлари тўплами; в) молиявий тақлифлар ҳужжатлари тўплами билан бирга қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши талаб этилади.

1. Талабгорнинг тўлов қобилиятига эгаллигини тасдиқловчи банк маълумотномаси (ёки банкнинг қафолат хати).
2. Тақдим этилган молиявий ҳисоботи бўйича аудиторлик фирмасининг хулосаси.
3. Олинаётган сармоё мажбурияти ҳажми ва унинг қиритилиш муддатлари.
4. Бизнес режа.

Савдода қатнашиш учун харидорлар уч мустақил қисмга бўлинган тақлифларни, алоҳида-алоҳида конвертларга жойлаб, муҳрлаб (жисмоний шахслар имзолаб) белгиланган шаклдаги ариза билан Тошкент шаҳар ҳудудий танлов комиссиясига топширадилар.

Танлов савдоларида барча нодавлат ҳуқуқий ва жисмоний шахслар, маҳаллий ва хорижлик ишбилармон ва тадбиркорлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси норезидентлари катнашишлари мумкин. Харидорлардан аризалар қабул қилиш савдо кунидан уч кун аввал тўхтатилади.

Савдолар соат 1⁰⁰ да Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси биноси, яъни Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароунаҳр кўчаси, 16А-уй манзилида бўлиб ўтади.

Танлов савдосида қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари бўйича батафсил маълумот олиш юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишиңиз мумкин.

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароунаҳр кўчаси, 16А-уй. Телефонлар: 133-39-57, 133-22-98.

Тошкент Давлат аграр университети ректорати ва жамоаси университети қошидаги «Билим» ўқув маркази директори Зумрад Фуломовага волидин муҳтарамаси **Фотима ая ШОУМАРОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТошДАУ қошидаги Қишлоқ ҳўжалиги корхоналари раҳбарларини тайёрлаш ва кадрлар малякасини ошириш маркази жамоаси марказ директори, академик Саидасро Фуломовага қайнониси **Фотима ая ШОУМАРОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

КИМОШДИ САВДОЛАРИ АГЕНТЛИГИ ВА РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР БЎЛИМИ

кимошди, танлов ва биржа савдоларини ўтказиш

2004 йил 13,16,20,23,27,30 январь ва 3,6,10,13,17,20,24,27 февраль кунлари киммошди савдоларига қўйилган объектларнинг кўнглидаги Г-64,0 м ва Г-38,0 м кўчаларида жойлашган, хар бирининг сатҳи 0,04 га, бўлган 31 та ер майдони.

Хар бирининг бошланғич нархи — 640 000 сўм.

Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, «Қурувчи» мавзесида жойлашган, хар бирининг сатҳи 0,04 га, бўлган 12 та ер майдони.

Хар бирининг бошланғич нархи — 1 648 000 сўм.

Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, «Қурувчи» мавзесида жойлашган, сатҳи 0,02 га, бўлган 1 та ер майдони.

Бошланғич нархи — 824 000 сўм.

Тошкент шаҳар, Сирғали тумани 14Б мавзесида жойлашган, сатҳи 0,04 га, бўлган 1 та ер майдони.

Бошланғич нархи — 640 000 сўм.

Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, «Спутник» даҳасида жойлашган уй-йўқ бинолари орасидаги буш ётган ва ёнган уйларининг пойдеворлари эгаллаб турган, хар бирининг сатҳи 0,03 гектар бўлган қуйидаги ер майдонлари:

Спутник-1 мавзеси, 58- ва 61-уйлар орасидаги, Спутник-9 мавзеси, 11- ва 12-уйлар орасидаги, Спутник-9 мавзеси, 7- ва 8-уйлар орасидаги, Спутник-9 мавзеси, 31-уй ёнида, Спутник-9 мав-

зеси, 47-уй ёнида, Спутник-1 мавзеси, 60-уй, Спутник-2 мавзеси, 51-уй.

Хар бирининг бошланғич нархи — 714 000 сўм.

2004 йил 13,16,20,23,27,30 январь кунлари киммошди савдосига қуйидаги объект қўйилди:

Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани ҳокимлигига қарашли Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Хизматчи кўчаси, 96-уйда жойлашган «Капитал қурилиш бўлими».

Бошланғич нархи — 689 110 сўм ёки 707,5 АҚШ доллари.

2004 йил 13,16,20,23,27,30 январь кунлари танлов савдоларига қуйидаги объект қўйилди:

Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, М.Ашрафий 2-тор кўчаси, 4-уйда жойлашган «МУЗҚАЙМОҚ» давлат унитар корхонаси мулкый мажмуаси.

Бошланғич нархи — 70 886 000 сўм.

Танлов шартлари

1. Замонавий халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқарувчи корхонани ташкил этиш.
2. Қайта ташкил этилган корхонани замонавий ускуналар билан жиҳозлаш.
3. Корхонанинг мавжуд кредиторлик қарзларини тўлаш муддатлари.
4. Бино ва иншоотларни қайта таъмирлаш ва жиҳозлашга сарфланган сармоёлар ҳажми.
5. Корхонани ёнгин хавфсизлиги ва

санитария талабларига жавоб берадиган ҳолда сақлаш ҳамда унга бириктирилган худдада ободонлаштириш ишларини олиб бориш.

6. Сотиб олиш нархи ва тўлов муддатлари бўйича тақлифлар.

Ҳамда Мирзо Улугбек тумани халқ таълими бўлимига қарашли Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Қаландар кўчаси, 14-уйда жойлашган 60-сонли болалар боғчаси қўйилди.

Бошланғич нархи — 30 247 100 сўм ёки 36 884 АҚШ доллари.

Танлов шартлари

1. Мактабгача ва бошланғич мактаб ёшидаги болаларни тарбиялаш ва ўқитишни ривожлантиришга йўналтирилган муассасани ташкил этиш.
2. Белгиланган фаолият соҳасини камла 5 йил мобайнида сақлаб қолиш.
3. Боғча биносини ва иншоотларни қисқа муддатларда замонавий меъёр ва андозаларга жавоб берадиган ҳолда қайта қуриш ва таъмирлаш.
4. Қайта ташкил этилган мактабгача болалар муассасасини замонавий талаблар асосида жиҳозлаш.
5. Боғча биносини ва иншоотларни қайта таъмирлаш ва жиҳозлашга сарфланган сармоёлар ҳажми.
6. Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва меъёрий ҳужжатларига асосан болалар билан ишлаш таълим-тарбиявий концепциясига эга бўлиш.

7. Мактабгача ёшидаги болаларга қўрсатилган хизматлар тури ва ҳажми.

8. Хизмат ҳақлари бўйича тақлифлар ва имтиёзлар.

9. Қайта ташкил этилган мактабгача болалар муассасасини ёнгин хавфсизлиги ва санитария талабларига жавоб берадиган ҳолда сақлаш ҳамда унга бириктирилган худдада ободонлаштириш ишларини олиб бориш.

10. Сотиб олиш нархи ва тўлов муддатлари бўйича тақлифлар.

Киммошди савдоларига қўйилган кўчмас мулклар учун аризалар қабул қилиш савдолардан бир соат аввал тўхтатилади.

Танлов ва киммошди савдоларига қўйилган ер майдонлари учун аризалар қабул қилиш савдолардан уч кун аввал тўхтатилади.

Киммошди савдолари соат 11.00 да, танлов савдолари соат 12.00 да бошланади.

Савдолар ўтказиладиган манзил: Тошкент ш., Миробод тумани, Мовароунаҳр кўчаси, 16а.

Савдоларда қатнашиш учун объект нархининг 10% миқдоринда закат пули тўланади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси, 13-уй. Телефонлар: 144-44-73, 144-71-78, 144-92-30.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV
TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla O'RIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Norbobo SHAKAROV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey O'RILOV
(Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistan»)
Nomoz SA'DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QADIRBERGENOV
Abdug'ani MAMASODIQOV
(Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO' LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot
133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat
133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot
133-20-36
Parlament va huquq
136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik
133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar
133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat
133-72-83
Reklama va e'lonlar
133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:

Andijonda —
25-32-70
Buxoroda —
222-10-92
Gulistonda —
25-03-80
Jizzaxda —
5-49-85
Navoiyda —
3-39-20
Namanganda —
6-43-43
Nukusda —
222-70-12
Samarqandda —
35-20-54
Urganchda —
226-51-35
Farg'onada —
26-43-62
Termizda —
3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi: Iltom KAROMOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi» ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV Elyor UBAYDULLAYEV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvida chop etildi.
Korxonaning manzili: Buyuk Taron ko'chasi, 41-uy.

Gazeta «O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan to'xtatilgan olingan»
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taqqoq.
«O'zbekiston ovozi